

## МУТОЛАА ВА КИТОБХОНЛИКНИ ТАРҒИБ КИЛИШНИНГ БАЪЗИ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ

*Худайберганова Маржан Балтабаевна,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Нукус филиали кафедра мудири*

## SOME PRIORITY ISSUES OF READING AND READING PROMOTION

*Xudaybergenova Marjan Baltabaevna, Head of the  
Department of the Nukus branch of the Uzbek State Institute of  
Arts and Culture*



<https://orcid.org/0009-0000-5251-86>

e-mail:  
marjanxudaybergenova@mail.com.

## НЕКОТОРЫЕ ПРИОРИТЕТНЫЕ ВОПРОСЫ ЧТЕНИЯ И ЕГО ПОПУЛЯРИЗАЦИИ

*Худайберганова Маржан Балтабаевна, заведующая  
кафедрой Нукусского филиала Узбекского  
государственного института искусств и культуры*

**Аннотация:** Мақолада китобнинг, мутолаанинг инсон ҳаётидаги ўрни, Ўзбекистонда китобхонликни тарғиб қилиш борасидаги самарали ишлар, “Ёш китобхон” республика танловининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** мутолаа, танлов, ташаббус, беллашув, рағбат, мотивация.

**Annotation:** The article is dedicated to the meaning of book reading, the processes of organizing an event for the development and stimulation of book reading among the youth of Uzbekistan. The essence of the holidays “Young reader of books” and “Idea of reading” is revealed.

**Keywords:** reading, competition, initiative, enlightenment, encouragement, motivation.

**Аннотация:** Статья посвящена значению книгочтения, процессам организации мероприятия по развитию и стимулированию книгочтения среди молодёжи Узбекистана. Раскрыта сущность праздников «Молодой читатель книг» и «Идея чтения».

**Ключевые слова:** чтение, конкурс, инициатива, состязание, просвещение, мотивация.

**КИРИШ.** Китобхонлик ва мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш, мутолаа орқали Янги Ўзбекистонда кечаётган адолатли, шиддатли ислохотларни фаол тарғиб қилиш, жаҳон, миллий, мумтоз адабиётлар муаллифларининг асарлари билан яқиндан танишишларига рағбат бериш, ёшларнинг ўқиган китобларини муҳокама қилиш – бугунги кун зиёлиларининг мукаддас вазифасидир.

Бу ҳақда ўтган йилнинг декабрида Тошкентда бўлиб ўтган тадбирда Президент:

“...Юртимизда китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш, турли йўналиш ва мавзудаги адабиётларни чоп этишни кўпайтириш учун нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини мустақамлаш зарур”, - дегани бежиз эмас.

Дунё илму закосига тамал тоши қўйган мутафаккирларимиз инсон камолотида унинг тафаккурининг асоси саналмиш китоб мутолаасининг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар, китоб ўқишга даъват

этганлар. Китоб мутолааси руҳни тўйинтириши, тафаккурни озиклантиришини бот-бот тайинлаганлар.

Китобнинг бизга ўргатадиган энг эзгу ва улкан сабоғи тўғрисидаликдир, яхши китобларни ўқиш дунёнинг энг доно кишилари суҳбатида бўлиш эканлиги, инсонни улуғлайдиган, комил қилиб тарбиялайдиган куч, у дунё ва бу дунёни танитиш манбаи экани, китобнинг сеҳри, сўзнинг сеҳри башариятни ўз ўқи атрофида адашмай айланиб туришига катта хизмат қилиши бор гап. Сўз буюк ғалабага чорлашга ҳам, забун мағлубиятнинг заҳматини тотишга ҳам қодирлиги учун бу даҳри дунда аввал китоб яралган, сўз яралган, “сўз ҳаётнинг аввали”, деб бекор айтилмаган.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.** Тарихий манбаларга мурожаат қилсак, Александр Македонский Ўрта Осиёни босиб олганда биринчи бўлиб ерли халқнинг қўлидан “Авесто”ни тортиб олиш ва уни бутунлай йўқ қилиб ташлашга буйруқ берган экан. Негаки, эзгулик ва ёвузликнинг мазмун-моҳиятини тушунтирувчи ва амалий ҳаётга жорий этувчи китоб-қомусни ҳар бир кишининг онгли фикрлаш тарзи, мафқурасига айлантирган халқ устидан узоқ вақт ҳукмронлик қилиш мумкин эмаслигини Александр Македонский яхши билган. Аммо, барибир македонияликлар халқнинг китобга, илмга бўлган меҳрини сўндира олмаганлар. Ўз халқининг китобини, маданиятини, адабиётини асраган миллат зиёлилари келгуси авлодга катта маънавий хазина қолдиришлари айни ҳақиқат, зотан “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса, инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта”. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни катта кутубхонага, зиё масканига айлантириш борасида, китобхонликни тарғиб қилиш масалаларида катта маърифий ишлар олиб борилмоқда.

Биламизки, Америкадаги Гарвард университети битирувчиларининг 75 нафари китобни севгани ва қадрлагани учун Нобел мукофоти соҳиби бўлган, дунё

миллиардерларининг ярми мана шу университетда таҳсил олган, Американинг 45 Президентидан 12 нафари шу университетни битирган. Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ва ёрқин келажагига фақат илму фан, китобу ҳикмат орқали борилади.

#### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, 2020 йил 26 декабрдаги “Ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Ёш китобхон” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги мажлис баёни ижросини таъминлаш, Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида аҳоли, айниқса, ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадига хизмат қилмоқда.

Мамлакат раҳбари томонидан 7 йил мобайнида 5 миллионга яқин ёшлар қатнашаётган, 10-14 ёшдаги биринчи босқич, 15-19 ёшдаги иккинчи босқич, 20-30 ёшдаги учинчи босқич ёш тоифалари ўртасидаги китобхонлик мусобақаларида 17 нафар ёш китобхонлар “Спарк” автомашиналари, 3 нафар китобхон “Кобальт” автомашиналари билан тақдирлангани, 2-ўрин эгалари 50 миллион, 3-ўрин эгалари 30 миллион пул мукофотлари билан тақдирланаётгани сўзимизнинг исботидир.

Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтайтиди, болаларининг китоб ўқишига шароит яратган, ғолибликни қўлга киритган фарзандларига фахр билан термулиб турган оталарни кўриб, кўнглингиз ёришади, улуғларнинг саводхон болаларни билимдон оталар тарбиялайди, деган ҳикматларига тан берасиз. Мутафаккирларимиз китобнинг бизга ўргатадиган энг эзгу ва улкан сабоғи тўғрисидаликдир, яхши китобларни ўқиш дунёнинг энг доно кишилари суҳбатида бўлишдир, деганлар.

Одамлар тўрт нарсани қидиришга мойилдирлар: биринчи – яхшилик ва ёмонликни

ажратишга ёрдам берадиган илмни, иккинчи – тириклик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни, учинчи – кайфиятини яхши тутадиган воситаларни, тўртинчи – одамлар билан муросани. Бизнингча, ана шу тўрт нарсани яхши китобдан топиш муҳимроқдир.

Китоб кириб борган хонадон фарзандлари, китоб кириб борган мактабу олийгоҳ талабаларининг мустақил фикрли, кенг дунёқарашли, Ватанга садоқатли бўлишларида адабиётнинг, адабий қаҳрамонларнинг роли ниҳоятда катта, масалан Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг ҳар бир сатрида қорақалпоқ тупроғига хурмат, мард ва фидойи қорақалпоқ элига катта эъзоз муҳассам.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Президент Шавкат Мирзиёев: “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” деганида айни ҳақиқатни сўзлаган эди.

Янги Ўзбекистон маданий сиёсатидаги ёрқин воқеалар, ислохотлар тадрижи Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини илгари сураётган маърифатпарвар халқнинг бугунги кундаги кайфияти, “Инсон қадрини учун”

ҳикматининг амалдаги исботи китобхонликни шакллантиришда баралла кўринмоқда.

Мирзо Бедилнинг “Илм инсоният гавҳаридир”, деган ҳикмати бизнингча илмни қадрлаганлар, китобни, мутолаани қадрлаганларнинг ҳаётида йўлчиноқ бўлиб порлаб туради.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Маънавий ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак”. Президент Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи. 2023 йил 23 декабр. №274.
2. Йўлдошева Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 128 б.
3. Ё.Қаюмхўжаева. Ёш китобхонлар китобхонлик маданиятига доир қарашлар. – Т., 2008.
4. Збаровская Н.А. Формирование культуры чтения в общедоступных библиотеках: Дисс...канд.пед.наук. – СПб.: 1997. –156 с.
5. Курбанбаева, М. (2023). Важность формирования навыков самостоятельного мышления при подготовке конкурентоспособных кадров. Tamaddun nuri jurnali, 5(44), 95-96.
6. Kurbanbayeva, M. (2024). O‘zbek xalq og‘zaki ijodiyotida adolatli jamiyat to‘g‘risidagi ilk tasavvurlar ifodasi. Tamaddun nuri jurnali, 8(59), 78-81.

